

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ талими” йўналиши
2-курс талабаси

МАМАЖОНОВ ХУСАНБОЙнинг

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СУД ТИЗИМИ

КУРС ИШИ

Курс иши раҳбари : Р. Эргашев



Андижон -2014

Режа:

I. Кириш

II. Асосий қисм:

1. *Судлов тизимининг тамойиллари*
2. *Одил судлов тушунчаси ва унинг ҳуқуқий аҳамияти*
3. *Суд ҳоқимиятининг тузилиши*
4. *Хорижий мамлакатларда судлов тизимининг ташқил этилиши*
5. *Азгласақсон ҳуқуқий оиласида суд тизими*

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

*Одил суд барча ижтимоий эзгуликнинг
пойдеворидир.*

П. Гольбах¹

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоқларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида **одил судловни** амалга оширишга сафарбар этилган. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, ҳал қилади. Демократик ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ (қонун) давлат идоралари, фукароларнинг турли-туман уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларнинг мезонидир. Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқ (қонун) доирасида кечишини ва ҳал этилишини таъминлаш суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Одил судловнинг олий мақсади куч ва зўравонлик ғоясини ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Суд ҳокимиятига қуйидаги хусусиятлар хос:

биринчидан, судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;

иккинчидан, судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ёки тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади;

учинчидан, судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсунадилар ҳамда фукаролик, маъмурий, жиноий ва бошқа ишларни қонунда белгиланган процессуал тар-тибда ҳал этадилар;

туртинчидан, судлар бошқа ҳокимият шохобчала-ридан мустақил фаолият юритадилар;

бешинчидан, суд танҳолик билан таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функ-цияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади;

олтинчидан, суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъий-дир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир.

Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан муҳим фарқи шундаки, у мамлакатда амал қилувчи бутун суд тизимига, ҳар бир судга тегишлидир. Айни чоғда, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти бир ёки икки органга (субъектга) тегишлидир, Масалан, қонун чиқариш субъекти Олий Мажлис ва референдум

¹ Гольбах Поль Анри (1723-1789) – француз файласуфи

орқали халқ; ижро ҳокимияти Президент ва унинг раҳбарлигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартиб, қонун устуворлигини таъминлашга, Конституциянинг инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаганидек, **«Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир, Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёр-ларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос кели-ошга бевосита боғлиқдир... Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билшпи керак².**

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тақсимланиши амалда жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига том маънода йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим нарсаси — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бўғини сифатида тегишли қатъий ваколатлар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим. Суд ҳокимияти ташкил этувчи, уюштирувчи, жамият ҳаётининг махсус соҳасини бошқарувчи ҳокимиятдир. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

² Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т.: Ўзбекистон, 1996. 185-бет

1. Судлов тизимининг тамойиллари

Хорижий мамлакатлар судлов тизимининг тамойилларини 2 асосий гуруҳга бўламиз. Биринчиси, судалар ташкил этилишининг принциплари, иккинчиси судлар фаолиятининг асосий принциплари.

1. Судлар ташкил этилишининг принциплари.

Ушбу гуруҳ тамойилларга биз биринчи навбатда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги тамойилини киритамиз ва унинг кафолатлари бўлмиш : уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш, уларнинг дахлсизлиги, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишда аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликни санаб ўтишимиз мумкин. Баъзи бир конституциялар ушбу тамойилга қўшимча равишда суд ҳокимиятининг маъмурий ва молиявий автономлиги кафолатини ҳам қўшишади.

Хорижий мамлакатлар конституцияларида суд тизимлари ва мамлакатда фаолият кўрсатаётган судларнинг турлари белгилаб қўйилади, умумий юрисдикция судлари билан бир қаторда махсус судлар ҳам ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилади. Одил судловни фақат қонуний равишда белгилаб қўйилган судлар томонидан, амалга оширилиши принципи кенг тарқалган. Фавқулодда судларнинг фаолияти таъқиқланган.

Кўпчилик конституцияларда одил судловни амалга оширишда халқ вакилларининг маслахатчилар сифатида иштироки кўзда тутилади. Шу боис присяжнийлар институти ва бизга маълум бўлган халқ маслахатчилари институти орасидаги фарқни тушунтириб бериш керак бўлади. Халқ маслахатчилари институти ҳозирги кунда ҳам собиқ социалистик мамлакатларда қўлланиб келинмоқда. Институт Германиядаги Шеффенлар судидан тақлид олинган. Шеффенларда ҳам, худди собиқ социалистик мамлакатлардаги сингари судлардаги халқ маслахатчиларининг тенг ҳуқуқлилиги расмийликдан бошқа нарса эмас, улар меҳнат жамоалари ва вакиллик органлари томонидан сайланадилар (сайланадилар сўзини ҳам қўштиради ичида тушуниш мумкин) амалда эса, юридик маълумотга эга бўлмаган халқ маслахатчилари судья қарорига қўйилади. Шунинг учун, уларни “бош қимирлатувчилар” деб бежизга айтишмаган. Ҳақиқатдан ҳам улар фақат судьянинг гапини тасдиқлаган ҳолда бош қимирлатишади, ҳолос.

Присяжнийлар сайланиши мумкин эмас. Шунинг учун, маҳаллий маъмурият томонидан тузилган фуқаролар рўйхатидан, махсус услуб асосида танлаб олинади. Рўйхатга қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча фуқаролар киритилади. Танлов кўпинча қуръа ташлаш йўли билан ўтказилади ва бунда фуқаро ҳеч бир узрли сабабсиз бош тортишга ҳақли эмас. Бу ерда асосий фарқ присяжнийларнинг сони 2 танинг

ўрнига 6, 9 ёки 12 талигид эмас. Уларнинг асосий фарқи присяжнийларнинг ҳуқуқ масалаларини эмас, балки махсус юридик билим талаб этилмайдиган далилларни кўриб чиқишларидадир. Жиноятини кўриб чиқиладиган вақтда, улар судланувчига қўйилган жиноий характерлар ҳақиқатдан ҳам содир этилганми йўқми, у айборми ёки йўқми, агар айбдор бўлса уни кечириш мумкинми йўқми, улар шуни аниқлашлари лозим. Бунга ўхшаш ҳар қандай масала бўйича присяжнийларнинг қарорлари кўпчилик овоз билан ёки бир овоздан қабул қилинади. Присяжнийларнинг қабул қилган қарорлари (вердикт)га кўра судья судланувчига жазо тайинлайди ёки уни оқлайди, холбуки баъзан юқори турувчи судда тортишиши ҳам мумкин. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда присяжнийлар ўтирадиган курсилар катта ёки кичик жюри (хайъат)деб юритилади, Франк тилида гаплашувчи мамлакатларда присяжнийлар иштирок этувчи судлар “ассиз”лар суди дейилади, улар судьялар билан биргаликда судланувчига жазо чораси тайинлашда иштирок этадилар.

Таъкидлаш жозки, сўнги ўн йилликда присяжнийлар судининг заифлашуви, унинг қўлланилишини камайиши билан тавсифланади. Кўпинча жиноий иш присяжнийлар судида фақат судланувчининг талабига кўра, агар оғир жазо кутиладиган бўлсагина муҳокама қилинади. Англосаксон суд жараёнида, тарафлар орасида келишув тажрибаси ҳам кузатилади. Агар судланувчи қандайдир жазони юмшатиш шарти эвазига ўз айбини тан олса, присяжнийларга ҳожат йўқ бўлади: демак уларнинг вазифаси бажарилган ҳисобланди. Англия судларида жиноий ишларнинг 90% га яқини судлар томонидан присяжнийлар иштирокисиз муҳокама қилинади.

Нихоят, суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини берувчи инстанциявийлик тамойили устида тўхталиб ўтамиз. Чунки кучга киритилмаган суд қарори, яъни биринчи суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилган иш ундан юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин, яъни иккинчи суд инстанциясида ёки бўлмаса иккинчи суд инстанцияси томонидан қабул қилинган қарор учинчи суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин (уч инстанция жараёни амалда бўлган мамлакатларда албатта шикоят тушган бўлса). Масалан, АҚШ Конституциясининг III боби 2-моддаси айтилишича, конституция ва қонун билан белгилаб қўйилган истисноларга кўра “Олий суд ҳам ҳуқуқ, ҳам факт (далил)га нисбатан апелляция юрисдикциясига эга бўлиши лозим”, яъни қўйи даражадаги судлар қабул қилган қарорлар бўйича апелляция шикоятларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиши лозим. Италия Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, умумий ва махсус суд органлари томонидан қабул қилинган шахсий эркинликка нисбатан чиқарилган қарорлар бўйича ҳар доим қонун бузилиши ҳоллари мавжуд бўлади, бундай ҳолларда Кассацион шикоятларга руҳсат этилади. Фақат уруш

вақтида харбий трибунал чиқарган ҳукмларга нисбатангина бундай меъёрлар истисно этилади”. (иккинчи қисм); “Давлат Кенгаши ва Хисоб суди қарорлари устидан кассация шикоятӣ фақат судланганлик мотиви бўйича рухсат этилади” (учинчи қисм).

Келтирилган мисоллардан кўринадики, шикоят қилишнинг икки асосий шакли мавжуд экан: апелляция ва кассация. Олий (яъни энг юқори) суд апелляция тартибида қуйи турувчи суд олдин кўрилган ишни янги тақдим этилган далил-исботлар билан текширади яъни қайтадан кўриб чиқади ва қуйи турувчи суд қарорини бекор қилиб, ўзи қарор чиқаради. Кассация тартибига кўра эса юқори даражадаги суд (балки олий суд) фақат қуйи турувчи суднинг қарор қабул қилиниб қонунга амал қилган ёки қилмаганлигини текширади, ишнинг асл ичига кириб бормайди ва фақат шикоят доирасидагина иш кўради. Агар қуйи турувчи суд қарори кассацион тартибда юқори турган суд томонидан бекор қилинган бўлса, иш қайтадан, яна ўша юқори турувчи суд томонидан муҳокама қилинади, фақат судьялар таркиби бошқа бўлади.

Кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг асосий шакллари билан бир қаторда аралаш шакл ҳам мавжуд, бу—ҳам апелляция, ҳам кассация хусусиятларини ўзида жамлаган тафтиш шаклидир. Бу шакл турли мамлакатларда турлича намоён бўлади. Девизия, яъни тафтиш шаклида юқори турувчи суд шикоят доирасига боғлиқ бўлмаган ва фақатгина қуйи суд чиқарган қарорнинг қонунийлигини эмас, асосланганлигини ҳам текширади. У қуйи суд қарорини қабул қилиш ҳам мумкин (худди апелляциядагидек), ишни қайта кўриб чиқиш учун қуйи судга қайтариб юбориши ҳам мумкин. (худди кассациядагидек), ундан ташқари қуйи суд қарорини бекор қилмасдан, тузатиш киритиб кўяқолиш ҳам мумкин.

Англосаксония ҳуқуқ тизимида асосланган мамлакатларда фақатгина апелляция шикоятӣ шакли қўланилади. Романа герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда эса иккинчи инстанция бўйича апелляция ва учинчи инстанция бўйича-кассация усули мавжуд (ҳолбуки, биз мисолда кўрганимиз каби, Италияда фақат кассация шакли мавжуд). Германиядаги тизим иккинчи инстанция бўйича девизия (тафтиш) имконияти усули билан бирлаштирган ҳолда олиб боради. Кучга кирган суд қарорлари ғавқулодда тартибда қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек судларнинг ташкилий принципларига инстанцияларнинг мавжудлиги принципини ҳам қўшиш мумкин. Бу асосан судларнинг қарорлари устидан шикоят келтириш мумкинлигини англатади. Бу принцип конституцияларда ҳам ўз аксини топган, масалан, АҚШ Конституциясининг 2-бўлими 3-моддасида юқори босқичга шикоят билдириш ҳуқуқи белгиланган. Италия Конституциясининг 111-моддасига кўра: “Фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши юзасидан ҳар доим

кассацион шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бунда истисно фақатгина уруш вақтида ҳарбий трибунал ҳукми устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди.”

2. Судлар фаолиятининг асосий принциплари.

Бу принциплар қонун билан белгиланган бўлиб, судларда ишларни кўришда энг асосий қоидалар ҳисобланади.

Кўпинча ушбу судлов процессуал тамойиллар процессуал қонунчиликларда назарда тутилади (жиноят процессуал, фуқаролик процессуал кодекслари), лекин баъзи мамлакатларда ушбу принциплар конституцияда ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

Суд жараёнининг конституциявий тамойиллари орасида кўпинча ошкоралик тез-тез учраб туради (оммавийлик, суд мажлисларининг очиқ ўтказилиши). Ушбу тамойил АҚШ Конституциясининг III моддаси, 1-қисмида, шунингдек конституциянинг VI тузатишида ўз ифодасини топган, Япония Конституциясининг 82-моддаси ва Испания Конституциясининг 120-моддаси 1-қисмида ва хоказо. Буларда истисно ҳолатларда ёпиқ суд мажлисларининг ўтказилиши таъкидлаб ўтилган, лекин иш бўйича қабул қилинган қарор омма олдида эълон қилиниши мустахкамланган. Масалан, 1831 йилдаги Белгия Конституциясининг 148-моддасининг 1993 йилдаги таҳририда шу нарса белгиланган: “Агар суд мажлисларининг омма олдида ўтказиш ахлоқ учун хавфли бўлмаса, очиқ ўтказилиши мумкин.

Сиёсий жиноятлар ва матбуот жиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан ёпиқ мажлис ҳақидаги қарор фақат бир овоздан овоз берилгандагина қабул қилиниши мумкин”.

Италия Конституцияси 101-модданинг 1-жумласида одил судловнинг халқ номидан амалга оширилиши кўзда тутилади, 111-модданинг 1-қисмида эса суд чораларининг сабаб-оқибатлари кўрсатилиши лозимлиги айтилади. Худди шу нарса Испания Конституциясининг 120-моддаси 3-қисмида ҳам мавжуд, фақат унга суд қарорларининг ҳар доим омма олдида эълон қилиниши қўшимча қилинган. 120-модданинг 2-қисмида кўрсатилишича суд муҳокамаси, айниқса жиноий ишлар бўйича суд асосан оғзаки юритилиши лозим, 121-моддада эса суд айби билан етказилган зиён, ёки одил судловнинг нотўғри амалга оширилиши оқибатида келтирилган зарар қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан қопланиши лозим.

Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунитишлари ҳақидаги конституциявий принцип (тамойил) жуда кенг тарқалган (Италия Конституциясининг 101-моддаси, 2-жумла; Германия Асосий Қонунининг 97-моддаси, 1-қисми ва бошқалар). Бу демакки, судья ишларни ҳал этаётганида ҳеч кимдан, ҳатто юқори судлардан ҳам кўрсатма олмаслиги керак, балки қонунга нисбатан пастроқ турувчи меъёрий ҳужжатлар суд учун, улар

қонунга қанчалик яқин турса, шунчалик аҳамиятга эга бўлиши керак. Аммо бундай конституциявий тамойилни оддийгина тушунмаслик керак.

“Хозирги мураккаб ижтимоий воқеликда, деб ёзади Ю.П. Урьянс ва В.А.Тумановлар,— судьянинг қонунга бўйсунуш тамойили ҳукмрон бўлиб қолаверади. Аммо бунинг замирида суд амалиётининг ҳуқуқ манбаи сифатида тутган ўрни қанчалар юксалганлиги; одил судловдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги; конституциялар матнига кирган қонун ва ҳуқуқнинг бир-биридан фарқ қилиниши (ГФР Асосий қонунининг 20-моддаси); экология, тиббиёт, генетика соҳасида олдиндан кўзда тутилмаган ҳуқуқий вазиятлар сонининг ошиши; халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлигини эътироф этилиши; ҳуқуқни бузувчи, юридик амалда бўлган, умумий эътироф этилган ахлоқ ва инсонийлик тамойилларига зид бўлмаган қонунчиликнинг мавжудлиги ётади. Бу муаммонинг барчаси судьянинг қонун билан боғлиқлиги, унинг ички эркинлиги, суд нуқтаи назари, ихтиёрий чегаралари ҳақидаги масалани ўта чигаллаштириб юборади”. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, конституцион судларнинг судьялари оддий қонунларга эмас, фақат конституциягагина боғлиқдирлар.

3. Одил судлов тушунчаси ва унинг ҳуқуқий аҳамияти

Хорижий ва ўзбек мутахассис олимларига мурожаат қиладиган бўлсак, одил судловга қуйидагича таъриф берадилар:

«Одил судлов – давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. Одил судлов давлатда содир этилган жиноятлар ва фуқаролик ишларига оид масалаларни одилонга, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал қиладилар. Одил судлов жиноят – процессуал қонун талаблари асосида амалга оширилади».

Суд ҳокимиятининг ваколатли фаолият йуналиши давлат номидан одил судловни амалга оширишдир. Яъни:

- суд жараёнининг фақат қонун асосида олиб борилиши;
- суд муҳокамасининг очик олиб борилиши (қонунда белгиланган давлат сирлари, жинсий жиноятлар, оилавий сирлар, вояга етмаганларнинг ишлари каби ҳоллардан ташқари);
- суд иштирокчиларининг барчасига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юклатилиши одил судловни амалга оширишга яратилган асослар бўлиб ҳисобланади.

Одил судлов амалга оширилар экан, албатта бу муносабатларнинг субъектлари ҳам бўлиб, бу субъектларнинг баъзиларига бу одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи – демократик давлатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.³

Бу асосан қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Айбсизлик презумпциясига асосан «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр – кимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» деб баён этилади. Шунга кура, жиноятда айбланаётган ҳар бир шахснинг айби фақат суд томонидан, процессуал қонун талаблари асосида кўриб чиқилиши лозим. Шу билан бирга, суд жараёнида айбланувчига нисбатан тегишли шарт – шароитлар яратилади.

2. Мулкӣй, сиёсий масалалар буйича ҳам фуқароларга одил судлов ёрдамидан фойдаланиш кафолатланади. Яъни, фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш, сиёсий томондан

³ Юридик энциклопедия. У.Таджиханов таҳрири остида, Т., «Шарк» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил, 338 - бет

кўриб чиқишни талаб этиш фуқаронинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқининг бир шарти бўлиб ҳисобланади.

Одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши суд идоралари орқали амалга оширилади. Одил судловнинг олий мақсади куч ва зўравонлик ҳолатини ҳуқуқ ва адолат ҳолатлари билан алмаштиришдир.

Демократик жамиятда суд ҳокимиятининг ижтимоий ўрни турли хил юридик низоларни ҳал этишда конституция ва қонунларда, халқаро шартнома, шунингдек қонунга тенглаштирилган ёки олий даражадаги норматив ҳужжатлар - фармон, декрет, ордонанслар, давлатнинг ички оммавий-ҳуқуқий шартнома ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган **ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда** ўз ифодасини топади. Айтиш керакки, кўпчилик мамлакатлари идоравий характерга эга меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинмайди, маҳаллий даражадаги ҳужжатлар қонуний равишда қабул қилинган бўлса ҳам ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлаверади. Уларнинг тегишли субъектлар томонидан ижро этилиши мажбурий, бироқ уларнинг ҳуқуқий асосланганлигини исбатлаган вақтда анча осон бекор қилиш ёки назорат қилиниши мумкин. Англосаксон ҳуқуқ тизими мамлакатлари қонунчилигида бўшлиқ юзага келганда аввалги бобларда айтиб ўтилганидек, прецедент ёки умумий ҳуқуққа, шу жумладан мамлакат олий судлари яратган прецедент ҳуқуқига амал қиладилар.

АҚШни ўрганган француз тадқиқотчиси Алексис де Токвиль ўзининг 1835 йилда чоп этилган китобида суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаларнинг қуйидагича ифодалаган:

“Барча ҳукуматлар ўз фуқаролари томонидан кўрсатиладиган қаршиликни енгишнинг икки усулига эга бўлади: ўзлари эга бўлган моддий маблағлар ва ёрдамга чопишлари мумкин бўлган судларнинг қарорлари.

Ўз қонунларига фақат қурол кучи билангина бўйин эгдиришга мажбур қилишни билладиган ҳукумат доим ҳалокат ёқасида туради. Оқибатда унинг икки нарсадан бирига дучор бўлиши аниқ: агар у заиф ва мўътадил ҳукумат бўлса, у фақат энг сўнги имконият сифатида куч ишлатишга қарор қилади, у бундай ҳолатларда кўпчилик майда-чуйда бебошликларга эътибор бериб ўтирмайди ва бундай давлат анархия ҳукмронлиги остида бўлади.

Агар ҳукумат кучли ва қатъи бўлса, у ҳар куни зулм-зўравонлик ишлатади ва тез орада ҳарбий (деспотик) ҳукуматга айланиб қолади. Унинг ҳаракатлари ҳам, худди ҳаракатсизлиги каби у бошқараётган аҳолини чорасиз шароитга олиб келади.

Бунда одил судловнинг олий мақсади зўравонлик ғоясини ҳуқуқ ғояси билан алмаштириш, ҳукумат ва у қўллайдиган куч ўртасида ҳуқуқий тўсиқ ўрнатишдан иборатдир”⁴.

Ҳақиқатдан ҳам, одил судловни амалга ошираётиб, суд ҳокимияти давлат зўравонлигини цивилизациялашган доирага киритади, қонунни ҳурмат қилувчи фуқароларни давлат машинаси “ғилдираклар остига тушиш хавфидан қутқарилишини кафолатлайди. Бу одил судловнинг ўта муҳим мақсади, лекин, ягона мақсад эмас.

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб суд ислоҳоти ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларда муҳим ўрин эгалламоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар энг аввало мазкур соҳанинг ҳуқуқий муносабатларига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда ривожланган давлатларнинг бу борадаги илгор тажрибаларидан фойдаланиб, баъзи зарур қушимча ва узгартишларни киритишни талаб этади. Масалан, амалдаги жиноят-процессуал қонунда процесс иштирокчиларининг бевосита ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашга йуналтирилган бир нечта нормалари мавжуд бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 24-моддаси «Гумон килинувчи, айбланувчи ва судланувчини химояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш», деб номланиб унда гумон килинувчи, айбланувчи ва судланувчининг химояланиш ҳуқуқига эгаллиги, химояланиш ҳуқуқи эса суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан процесс иштирокчиларига тушунтирилиб берилиши лозимлиги кайд этилган.

Лекин бизнинг назаримизда мазкур норма бироз умумийроқ кўринишга эга бўлиб, унинг талкин этилиши суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни ишда гумон килинувчи, айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этаётган оддий шахс, яъни ҳуқуқшуносликка оид билимлардан беҳабар бўлган инсон учун унинг тушунилиши жуда мушкул. Холбуки, жиноят ишида жавобгарликка тортилган, яъни асабийлашиб турган (стресс ҳолатидаги) шахс урнида туриб фикр юритиладиган бўлса, бу модда умумийроқ аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат - «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация»сида шахс ҳуқуқларини химоя қилишга, жумладан жиноят ишларини юритишда химоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар мавжуд. Чунончи, мазкур Декларацияда *«Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга»* (8-модда), *«Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тулиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва*

⁴ Де Токвиль А. Демократия в Америке. М.: Прогресс, 1992, с.120

адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан қўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» (10-модда), «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига узбошимчалик билан аралашishi, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига узбошимчалик билан тажовуздан қонун оркали ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга» (12-модда), деб уқтирилган.

Конституциямизнинг 44-моддаси бу қонидани амалга ошириш учун асосдир. Унга кура: *«Ҳар бир шахсга уз ҳуқуқ ва эркинликларини суд оркали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»*. Дастлабки тергов ва прокурор фаолияти устидан суд назорати ҳуқуқий давлатнинг зарурий белгиси эканини уқтириб, жиноят-процессуал ҳуқуқининг атокли намоёндаларидан бири И.Л.Петрухин «Судьялар Давлати, Одил судлов Давлати» шаклланишига даъват этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ҳам пировардда ана шу йуналишдан бориши айти мудаодир.

Ҳокимиятлар булиниши принципига кура, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, яъни судьяларнинг уз фаолиятида фақат қонунга бўйсуниси инсоннинг шахсий ҳуқуқлари — эркинлик ва дахлсизлиги, шаъни ва орбуси билан боглик жиноий процессуал ҳаракатлар ва мажбурлов чоралар куллаш бўйича санкция бериш ваколатини ҳам судга олиб берилиши мақсадга мувофиқлигини кураатади.

Шу муносабат билан эҳтиёт чораси тарзида шахсни камокка олишни фақат суд оркали амалга ошириш тартибига утиш, бу йулда биринчи кадам сифатида прокурорнинг камокка рухсат бериши устидан судга шикоят қилиш тартибини жорий этиш даркор.

3. Суд ҳокимиятининг тузилиши

Бу тузилма аввало судларнинг ўзини қамраб олади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда улар ягона тизимни ташкил этади, унга кўра турли соҳа судларга ягона олий судга бирлашади. Айни пайтда кўпчилик мамлакатлар, айниқса Европа қитъасида судьяларнинг кўп тизимли тенденцияси кузатилади. Бу мамлакатларда олий суд бошчилигидаги умумий ва махсус судларнинг бир-биридан алоҳида мустақил бўлган суд тизимлари ташкил этилмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, 1949 йилда қабул қилинган Германия Асосий Қонунини кўрсатиш мумкин, унда Федерал конституциявий суд билан бир қаторда яна алоҳида бешта суд таъсис этилиши кўзда тутилган, булар: Федерал судлар палатаси, Федерал маъмурий суд, Федерал молия суди палатаси, Федерал меҳнат суди, Федерал ижтимоий суд. Улар суд амалиётида бир хилликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги (қўшма) сенатни ташкил этидилар (95-модда, 1- ва 3-қисм).

Романа-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ва баъзи бир бошқа мамлакатларда умумий юрисдикция судлар тизими билан бир қаторда, (яъни асосан, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судлар) давлат кенгаши деб атловчи (Франция, Италия) ҳамда Олий маъмурий суд деб аталувчи орган томонидан (Швеция) бошқарилувчи маъмурий адлия тизими барпо этилади. Баъзи бир постсоциалистик мамлакатларда ҳам (Болгария, Чехия) худди шу тарзда иккитадан суд тизими таъсис этилган. Польшада Олий маъмурий суд, ҳозирча, Олий суд томонидан назорат қилинади, бироқ Польша Республикаси Конституциясининг 236-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, 5 йил мобайнида, яъни у кучга кирган 1997 йилдан то 2002 йилгача Олий маъмурий суднинг мамлакат Олий судидан мустақил бўлишини таъминловчи "Маъмурий судлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши лозим. Кўпчилик мамлакатларда харбий судлар тинч даврда ташкил этилмайди. (Қаранг: масалан, 1920 йилда қабул қилинган ва 1929 йилда тахрир этилган Австрия Федерал Конституциявий қонунининг 84-моддасига мувофиқ), агар мамлакатда харбий суд олдиндан мавжуд бўлса, у умумий юрисдикциянинг алоҳида бир соҳасини ташкил этади. Худди шу нарсани маъмурий судлар хусусида ва бошқа баъзи бир махсус судлар: оилавий, вояга етмаганлар, меҳнат, патент, молиявий солиқ судлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Европа қитъасидаги мамлакатларда, постсоциалистик мамлакатларда конституцион судлар муҳим ўрин эгаллайди (Францияда—Конституциявий Кенгаш), улар ҳақида баъзи конституцияларда суд ҳокимиятига эмас, конституциявий қафолатларга бағишланган бобларда кўриб чиқилади (Италия, Франция). Австрияда ушбу бобда маъмурий суд ҳақидаги меъёрлар мавжуд. Биз II бобда таъкидлаганимиздек, конституциявий судлар федерация субъектлари томонидан ташкил этиладиган федерал ҳудудларда (давлатларда) ягона тизимни ташкил этмайди. Бундан ташқари, англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги ва баъзи бошқа мамлакатларда (АҚШ, Хиндистон, Япония) конституциявий назорат функцияси умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, баъзи мамлакатларда юқори лавозимли шахсларнинг конституциявий жавобгарликлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқувчи судлар мавжуд. (Францияда, олий одил судлов ва Республика одил судлов суди, Польшада Давлат трибунали).

Романа-Герман ҳуқуқ тизимидаги ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳисоб палаталари ва шунга ўхшаш бошқа органлар ҳам суд ҳокимиятига тегишли бўлди. (Масалан, Италия Республикасининг 1947 йилда қабул қилинган конституциясининг 103-моддаси).

Бир қатор мусулмон мамлакатларда давлат судлари билан бир қаторда шариат судлари ҳам фаолият кўрсатади.

Демократик конституциялар одатда қонунда белгиланган процедурадан ташқари фаолият кўрсата оладиган фавқулодда судлар бўлишини тақиқлайди. Масалан, Германия Асосий қонунининг 101-моддаси, 1-қисмида шундай дейилган: “Фавқулодда судларга рухсат этилмайди. Ҳеч ким ўзининг қонуний судьяси судловидан олиб қўйилмайди”.

Анча кегн тарқалган суд тизимларини биз қуйидаги параграфларда кўриб чиқамиз.

Суд ҳокимияти структураси (тузилмаси), судлардан ташқари суд ҳокимиятига хизмат кўпсатувчи баъзи бир бошқа давлат органлари ва муассасаларини ҳам қабраб олади. Улар орасидан, энг аввало, тергов-қидирув ва прокуратура органларини таъкидлашимиз лозим. Бъзи бир мамлакатларда улар суд тизимига киритилган, бошқа мамлакатларда эса судлар билан функционал алоқалар ўрнатилган ҳолда, судлардан алоҳида фаолият кўрсатади. Асосий вазифаси барча хохловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган адвокатура каби маассаса ҳам суд ҳокимиятига хизмат қилади. Нихоят,

бир қатор мамлакатларда суд ҳокимиятига бўйсунувчи махсус суд полицияси мавжуд (қаранг: Италия Конституцияси, 109-модда).

4. Хорижий мамлакатларда судлов тизимининг ташкил этилиши

Конституциявий ҳуқук фанига кура, умумий компетенция (ваколат)ли суд буладими ёки қандайдир ихтисослаштирилган судми, барибир барча суд органлари маълум бир тузилишга эга, аниқроқ айтидиган бўлсак, иерархик ёки вертикал тузилиши мавжуд.

Икки бугинли суд тизими. Бундай суд тизими қамдан – қам учрайди. Асосан, оддий маъмурий – ҳуқуқий тузилишга ва қам сонли аҳолига эга бўлган кичкина бўлган хорижий мамлакатларда учратилади.⁵

Бундай вақтларда биринчи инстанция суди асосий суд сифатида майдонга чиқади ва асосан ишларни узи қуриб чиқади.

Юқори (иккинчи) инстанция судлари эса асосан қуйи турувчи судларнинг қарорлари устидан тушган шикоятлар бўйича ишлар билан шугулланадилар.

Судларга шикоят қилишнинг уз навбатида икки хил йули бор. Шундан келиб чиқиб суд инстанцияларининг ҳам икки шакли мавжуд.

Кассация (лотинча *guasso* – бузаман, синдираман) – судга шикоят қилишнинг бундай қурилиши бизга собиқ советлар ва уларнинг ҳудудидаги бошқа мамлакатлар давридан яхши таниш:

1. Юқори судга қонуний қучга қирмаган суд қарорлари, ҳукмлари юзасидан шикоят ва протестлар келтириш;

2. Юқори суд томонидан қонуний қучга қирмаган суднинг қарорлари ва ҳукмлари қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд бўлган ва қушимча тақдим қилинган материаллар бўйича тақдим қилинган материаллар бўйича текшириш;

3. Юқори инстанция томонидан қуйи инстанция судининг қарорини қонунларнинг бузилганлиги ёки у томонидан иш юритуви қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун қайта қуриб чиқиш, бекор қилиш.

Кассация инстанцияси – фуқаролик-процессуал ва жиноят-процессуал ҳуқуқларида биринчи инстанция судининг қарорлари, ҳукмлари устидан қассацион шикоят ёки протест ва ажримлари ҳамда қонуний қучга қирмаган суд қарорлари устидан хусусий шикоятлар (судьянинг номидан чиқарилган ажримларга нисбатан чиқарилган хусусий протестлар) бўйича ишни қуриб чиқувчи иккинчи суд инстанцияси.

Кассацион инстанция суди қарор, ҳукм, чиқарган судга нисбатан бевосита юқори турувчи суд (масалан, штатлар суди, провинциялар, вилоятлар судлари туман ва шаҳар судларига нисбатан).

⁵ Чудаков М.Ф. «Конституционное право зарубежных стран», Москва, Харвест, 1998, стр. 466

Кассация суди – бир катор давлатларда ишларни кассация инстанцияси тарикасида (ишни биринчи инстанция куриб чиқишда конуннинг моддий ёки процессуал жihatдан бузилиши юзасидан шикоятлар буйича) куриб чиқиш, шунингдек, ҳукукий нормаларга тушунтиришлар бериш ва қуйи судлар томонидан конунларга риоя этилиши юзасидан кузатув олиб бориш ваколатли булган юкори судларнинг номи. Юкори суд органлари турли давлатларда турлича номланади.

Масалан: Италия – Олий кассация суди; Бельгия, Франция – кассацион суд.

Апелляция (лотинча *appell* - шикоят) – бир канча хорижий мамлакатлар ҳукукида хали конун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари юзасидан шикоят бериш.

Апелляция суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб, янги исботларни куриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради.

Апелляцион суд ишни қайта куриб чиқишга жунатмайди. Унинг узи шикоятни қуриб чиқиши ва қарор чиқариши мумкин. Шикоят қилишнинг апелляцион шакли бир катор Ғарб давлатлари учун характерлидир. Бу усул АКШ, Франция, Хиндистонда қулланилади. Апелляцион усул Италия ва Германияда синовдан утқазилмоқда.

Баъзи хорижий мамлакатларда эса шикоят қилишнинг иккала усули ҳам жорий қилинган.

Уч бугинли суд тизими. Бунда биринчи инстанция судлари қоидага қура кам аҳамиятли ишларни куриб чиқади. Иккинчи инстанция судлари нисбатан мураккаб, оғиррок оқибатларни қелтириб чиқарган ва қаттиқрок жазога тортиладиган ишларни муҳокама қилади.

Иккинчи даражадаги инстанция судлари биринчи инстанция судларига нисбатан ҳам апелляцион ҳам кассацион суд вазиқасини бажариб бериши мумкин. Учинчи инстанция судлари (қупинча *олий суд* деб юритилади) жуда ҳам ноодатий ва қамдан-қам учрайдиган ишларни куриб чиқадилар (биринчи инстанция судлари тартибида ҳаракат қиладилар) ҳамда иккинчи инстанция судларига нисбатан апелляция ва кассацион судлар вазиқасини бажарадилар.

Уч бугинли суд тизими Болгария, Венгрия, Польша ва бошқа бир катор хорижий мамлакатларда мавжуд.

Турт бугинли суд тизимлари. Бу энг мураккаб суд тизими ҳисобланади. Уч бугинли суд тизимидан бунинг фарқи туртинчи босқич – олий суднинг мавжудлигидир. Қоидага қура бу туртинчи босқич олий судлари учинчи босқич юкори турувчи судларидан фарқли равишда ишларни биринчи инстанция тартибида куриб қикмайдилар, балки улар олий апелляцион ва кассацион суд ҳисобланадилар.

Турт боскичли бундай суд тизимлари Италия, Франция ва бошқа бир катор мамлакатларда амал килмокда.⁶

Баъзи давлатларда булардан ҳам мураккаброк тузилишлар мавжуд, аммо улар ҳеч қандай асосларга кура эмас, балки тарихий аҳамиятига кура шаклланиш ҳисобланади.

Суд тизимининг архаик шакли Буюк Британияда ва АҚШнинг бир катор штатларида мавжуд.

Юкоридагилардан ташқари суд тизимларининг бошқа қуйидаги федерациявий вариантлар тури мавжуд:

- америка модели – у уч бўғинли суд тизими бўлиб, бутун АҚШ ҳудудида фаолият олиб боради. Унинг таркибига 90 та штатлар судлари, 4 та округ судлари ва 13 та апелляция судлари киради. Энг юкорида АҚШ Олий Суди туради. Аммо бу классик усулжа баъзи бир истиснолар ҳам мавжуд. Масалан Калифорния штатида маҳаллий судлар ва адолат судлари ҳам мавжуд. Баъзи бир штатларда колония даври анъаналари асосидаги суд тизими сақланиб қолган. Масалан, Колорадо ва Масачусетс штатларида етти бўғиндан иборат типик бўлмаган суд тизими мавжуд. АҚШ юрист олимлари ўртасида баҳслар фуқаролар штат судларига мурожаат этишлари керакми ёки федерал судларга мурожаат этишлари керакми савол юзасидан кечмокда, чунки баъзи ишлар бу суд томонидан, баъзи бир ишлар нариги суд томонидан кўрилади.

- Германияча модел – Уни шунингдек марказлаштирилган суд тизими ҳам деб аташади. Германияда судлар тизими ўзига хос, асосийси шундаки ваколатлар ўлкалар ва федерал суд ўртасида тақсимланган. Ўлка судлари бутун Германия суд тизига бирлаштирилган ва барча судлар марказлаштирилган шикоят қилишни таъминлашга қараб бирлаштрилган. Инстанция сифатида ўлкаларнинг судлари ҳисобланишади ва улардан энг юкори турувич суд федерал судлар ҳисобланади.

⁶ Чудаков М.Ф. «Конституционное право зарубежных стран», Москва, Харвест, 1998, стр. 467

5. Англосаксон ҳуқуқий оиласида суд тизими

Янги Зеландияда суд тизими энг барқарордир. У XIX аср охирида шаклланган ва ўшандан буён катта ўзгаришларга учрамаган. Судларнинг фаолияти статутлар билан биргаликда тартибга солинади. Мамлакатда уч бўғинли тизим амал қилади. Улар магистрат судлари (1947 йилги магистрат судлари тўғрисидаги қонун), қўйи судлар; апелляция суди (1957 йилги суд ишларини юритиш тўғрисидаги ҳужжатга қўшимчалар тўғрисидаги қонун); Олий суд (1908 йилги суд тузилиши тўғрисидаги қонун).

Канада ва Австралиянинг суд тизимлари ушбу мамлакатларнинг федератив тузилишидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб анча мураккабдир. АҚШда дуалистик тизим мана шундай шароитларда фаолият юритади. Канаданинг суд тизими федерацияларга қараганда унитар давлатлар суд тизимларига яқиндир. Австралияда судларнинг уч бўғинли тизими штатлар даражасида анъанавий бўлиб қолади (магистрат, округ судлари ва юқори судлар). Судларнинг федерал тизими билан боғлиқ масала ҳам мураккабдир. Австралиянинг Олий суди мамлакатнинг Олий суд органи ҳисобланади ва у биринчи инстанция бўйича штатлар ўртасидаги ва турли штатлар фуқаролари ўртасидаги ишларни, шунингдек федерал судлар ва штатларнинг Юқори судлари қарорлари апелляциясини кўриб чиқади.

Барча мамлакатларда қасамёд этувчи судлар тўғрисидаги қонунлар амал қилади. Ушбу қонунлар ўз лавозимга сайланиш мумкин бўлган шахслар доирасини (муайян жисмоний нуқсонлари (кар-соқов, кўзи ожизлик) ақлсизлик, бир қанча лавозимларни эгаллаб турганлар (парламент аъзолари ва бошқалар) ҳамда сайловлар тартибини белгилаб беради. Ушбу мамлакатларда ҳакам институти ҳозирги вақтда амал қилмайди.

Инсонни айбдор деб топиш учун 12 гувоҳ етарли бўлган вақтлар (кейинчалик далиллар асосида ишни адолатли кўриб чиқиши мумкин бўлган оддий 12 киши) инглиз-саксон урф-одати ўтмишда қолиб кетди. Амалда 12та қасамёд қилган судьядан иборат «катта ҳакамлик» мажлис қилмайди. Янги Зеландияда у 1961 йилги жиноятлар тўғрисидаги қонун билан тақиқланган эди. «Катта ҳакам» фақат Канада ва Австралия да жиноят ишларини кўриб чиқади, у ҳам бўлса алоҳида хавфли жиноятлар бўлса. Бир қанча жиноятлар бўйича судланувчи қасамёд қилувчи судларни ўзи танлаши мумкин. Кўпчилик жиноят ишлари ҳакамлар мажлис қилмайдиган магистрат судларида кўриб чиқилади (90 фоизга яқини). Уларда ишлар махсус юридик маълумот талаб қилинмайдиган судлар томонидан кўриб чиқилади. Фақат Янги Зеландияда 1947 йилги магистрат судлари тўғрисидаги қонун бўйича ушбу судларнинг судьялари камида етти йиллик стажга эга бўлган барристер ёки солистер бўлишлари керак.

Фуқаролик ишлари тўртта ёки олти қасамёд қилувчи судьялардан иборат «кичик хакам» доирасида кўриб чиқилади. Канадада бундай амалиёт кузатилмайди. Ишнинг қасамёд қилувчи судлар томонидан кўриб чиқилишини томонлар талаб этиши мумкин, бироқ талаб рад этилиши ҳам мумкин. Бир қанча қонун бузарликлар бўйича қасамёд қилувчи судларнинг ҳозир бўлинишини қонун талаб қилади, бироқ томонларнинг аҳдлашувига кўра ишни уларсиз ҳам кўриб чиқиш мумкин. Қасамёд қилувчи судлар вердикти ёки кўпчилик овоз билан (Канадада, Альберта, Онтарио, Квебек, Янги Зеландия) ёки бир овоздан киритилади.

Қасамёд қилувчи судлар институтини ислоҳ қилиш икки жиҳати билан изоҳланади: биринчидан, қасамёд қилувчи судлар институтини одил судловнинг демократияси рамзи сифатида сақлаб қолиш истаги ва жамиятда ҳукмронлик қилувчи ғоялар барометри; иккинчидан, қасамёд қилувчи судларнинг ишни яхши билмасликлари, ушбу функцияни бажарувчи одамларнинг ортқча ишга жалб қилиниши муносабати билан ушбу институтнинг бекор қилиниши.

Қасамёд қилувчи судларга зид равишда умумий судьялар роли кучайтирилади. Уларнинг ҳуқуқий мавқеида Англия ҳуқуқий излари салмоқлидир (Судьялар ҳозирча «ўзларини яхши тутган» пайтда уларнинг мустақиллиги ва алмаштирилмаслиги биринчи марта 1701 йилда қабул қилинган тахтни мерос қилиб қолдириш тўғрисидаги Англия қонуни билан мустаҳкамланган эди). Судьялар парламентнинг тақдирномасига кўра генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Канада, Австралия ва Янги Зеландия замонавий адлиясининг яна бир хусусияти, бу умумий судларга зид равишда ихтисослаштирилган судлар ва маъмурий трибуналлар сонининг ўсишидир. Ушбу органлар турлича номларга эга (судлар, комиссиялар, кенгашлар, трибуналлар). Ихтисослаштирилган судларнинг қарорлари прецедент ҳуқуқининг манбаи бўлиши мумкин; маъмурий трибуналлар қарорлари эса ҳеч қачон бундай манба бўла олмайди.

Энг кўп ёйилган ихтисослаштирилган судлар – оила судлари, вояга етмаганлар ишини кўриб чиқувчи судлардир.

Умумий ҳуқуқ мамлакатлари учун янги ҳодиса сифатида маъмурий адлия ҳамдўстлик мамлакатларида умумий судларнинг ҳукмронлигини таъминловчи «ҳуқуқнинг ҳукмронлиги» принципига зид равишда қарор топди. Маъмурий адлия органлари тузилмаси, фаолияти тартиби жуда хилма-хилдир. Бу яна бир марта тузилманинг шаклланиш босқичида эканлигидан далolat беради. Янги Зеландияда Олий суднинг маъмурий бўлими ташкил этилган. Австралияда – маъмурий апелляция бўйича трибунал – чекланган юрисдикцияларга эга, бироқ вазирлар, давлат идоралари ва

бошқаларнинг қарорларини қайта кўриб чиқишда кенг имкониятларга эга бўлган органдир. Канадада апелляция Федерал суд томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий адлия ҳуқуқни қўллашнинг муҳим, бироқ мутлоқ бўлмаган шакли ҳисобланади. Умумий ҳуқуқ мамлакатларида ҳуқуқнинг давлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқаролар томонидан қўлланилишини қамраб олувчи «enforcement» атамаси мавжуд. Ҳар уччала мамлакатда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Уларда, жумладан, моддий аҳволидан келиб чиқиб, тегишли суммани тўлай олмайдиган шахслар учун ушбу сумма камайтирилиши ёки шахсга текин ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Ишнинг умумий судда кўриб чиқирилишининг қиммат эканлиги унга фуқароларнинг мурожаат қилишидаги тўсиқлардан биридир. Чеклашга қарамай бундай қонунлар шубҳасиз катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Янги Зеландияда 1969 йилги қонун билан ҳуқуқий ёрдам вазирлиги бошчилигидаги органларнинг бутун бир тизими белгиланди. Австралияда федерация ва штатлар даражасида бутун мамлакат бўйлаб ишларни мувофиқлаштиришга даъват этилган ҳуқуқий ёрдам бўйича федерал комиссия ташкил этилган. Канадада бундай марказлаштириш йўқ. У ерда ҳамма нарса вилоятлар даражасида ҳал этилади, шу сабабли, ҳуқуқий вазият хилма-хилдир.

Кўриб чиқиладиган мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларида Англия ҳуқуқидан ўтган ва замонавий, миллий ривожланишга жавоб бермайдиган ҳуқуқий институтларнинг қайта туғилиши юз бермоқда. Тарихан бир қанча ҳуқуқий институтларнинг узоқ вақт умумий ривожланиши улар ягона оқимда ривожланишда давом этишига олиб келади. Ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга ёндашишнинг умумийлиги прецедент ҳуқуқидан ҳам тақозо этилади. Умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласининг ўзига хос белгиларидан бири мана шу умумийликдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ижтимоий сиёсий ва давлат-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Пировард мақсади ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш бўлган ушбу ислохотлар республиканинг судлов тизимини ҳам қамраб олмакда. Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарур таркибий қисмидир. Суд-ҳуқуқий ислоҳоти мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилдир.

Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Биринчи қақриқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил 21 декабр) юртбошмиз қуйидаги мулоҳазаларни билдирди: **«Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишга, улар қабул қил-ган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғли мос келишига бевосита боғлиқдир... Мамлакатимизда суд ти-зимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса, кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим»⁷.**

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланади. Эндиги ислохотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шаклланиши лозим.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ушбу соҳада бизни жиддий муаммолар борлигини ҳам таъкидлади. Бу муаммолар авваламбор судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар энг

⁷ Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: Ўзбекистон, 1996. 185-бет.

аввало мазкур соҳанинг ҳукукий муносабатларига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда ривожланган давлатларнинг бу борадаги илгор тажрибаларидан фойдаланиб, баъзи зарур қушимча ва узгартишларни киритишни талаб этади.

Президент ўз нутқида юугунги кунда жиноят процессуал қонунчилигимизда дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш, амалдаги Жиноят Процессуал қонунчилигига жиноят процесси иштирокчиларининг жиноят процессининг исталган босқичида жиноят процессининг исталган иштирокчиси устидан судга шикоят бериши билан боғлиқ нормаларни киритиш, бошқа демократик давлатлар каби ушлаб туриш, ҳибсга олиш, ва бошқа процессуал мажбурлов чоралари қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судга ўтказиш керак⁸ деб таъкидлади.

Ушбу йўлда хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

⁸ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005, 47-бет

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005
3. *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: Ўзбекистон, 1996

Махсус адабиётлар:

1. Чудаков М.Ф. «Конституционное право зарубежных стран», Москва, Харвест, 1998 год.
2. Чиркин В.Е. «Конституционное право зарубежных стран», Москва, «Юрист», 1994 год.
3. Конституционное право зарубежных стран. Под общ. ред. В. М. Баглая, Москва, изд. Норма, 1999
4. Страшун В. ««Конституционное право зарубежных стран», Москва, «БЕК», 1996 год.
5. Саидов А.Х., Таджиханов У. «Конституции мира», 6 том, ИИВА, Тошкент, 1998 йил.
6. ТДЮИ, муаллифлар жамоаси «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи», Тошкент, «Молия», 2002 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. Юридик атамалар комусий луғати, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Шарқ нашриёти, 2003 йил
2. Юридик энциклопедия //Таджиханов У. таҳрири остида, Тошкент, «Шарқ» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил
3. А.Саидов, У. Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, 2 жилдли, ИИВА, Тошкент, «Адолат»-2001 йил
4. Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, Тошкент - 2000 йил.